


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**“ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАР ТАЪЛИМИ”  
КАФЕДРАСИ**

**М.М.ПАЯЗОВ**

**ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШДА  
ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
ҚЎЛЛАШГА ОИД ТАВСИЯНОМА**



**Фарғона – 2016 й**

**Иқтисодий билимларни ўзлаштиришда янги педагогик технологияларни қўллашга оид тавсиянома М.Паязов**

**ТАҚРИЗЧИЛАР:**

**Д.Хакимов–иқтисод фанлари номзоди, доцент**

**Т.Қурбонов–педагогика фанлари номзоди, доцент**

**Масъул мухаррир : М.Темиров - педагогика фанлари доктори, профессор**

Мазкур услубий қўлланма Фарғона халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти «Ижтимоий-иқтисодий фанлар таълими» кафедрасининг 2016 йил 29 июндаги 1-сонли илмий кенгаши ҳамда институт Илмий Кенгашнинг 2016 йил июндаги \_\_\_-сонли йиғилишида муҳокама қилинган

<b>1. ТАЪЛИМ БЕРИШ ШАКЛЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИГА ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР.....</b>	<b>5</b>
<b>2. ПИНБОРД ТЕХНИКАСИ.....</b>	<b>9</b>
<b>3. «КУТИШ ҲАМКОРИ» ТЕХНИКАСИ.....</b>	<b>9</b>
<b>4. Т-СХЕМА ТЕХНИКАСИ.....</b>	<b>11</b>
<b>5. «НИМА УЧУН?» ТЕХНИКАСИ.....</b>	<b>13</b>
<b>6. БББ ТЕХНИКАСИ.....</b>	<b>15</b>
<b>7. ФСМУ ТЕХНИКАСИ.....</b>	<b>16</b>
<b>8. 6-6 ТЕХНИКАСИ.....</b>	<b>23</b>
<b>9. ДЕЛЬФИ ТЕХНИКАСИ.....</b>	<b>24</b>
<b>10. “ИНСЕРТ УСУЛИ” ТЕХНИКАСИ.....</b>	<b>25</b>
<b>11. “СИНКВЕЙН” (5 ҚАТОР) ТЕХНИКАСИ .....</b>	<b>27</b>
<b>12. КЛАСТЕР ТЕХНИКАСИ.....</b>	<b>29</b>
<b>13. «ЗИГЗАГ» ТЕХНИКАСИ.....</b>	<b>32</b>
<b>14. «БАЛИҚ СКЕЛЕТИ» ТЕХНИКАСИ.....</b>	<b>33</b>
<b>15. «КОНВЕРТ» ТЕХНИКАСИ.....</b>	<b>36</b>
<b>16. «КООП-КООП» («БИРГАЛИКДА ЎҚИЙМИЗ»)ТЕХНИКАСИ.....</b>	<b>37</b>

## КИРИШ

Мамлакатимизда таълим соҳасида модернизация айна авж олаётган бир даврда ҳамда иқтисодиётимизни бугун жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашув жараёни кечаётган бир даврда ўқувчига иқтисодиётни кўйингки, барча дунёвий билимларни тезроқ ва қулайроқ усулда етказиб беришимиз талаб қилинмоқда.

Ўзбекистон ёшларининг билимга бўлган чанқоқлигини бутун дунё экспертлари қайд этмоқдалар. Бутунжаҳон олимпиада ўйинларида мамлакатимиз ёшлари етакчи мавейга эга бўлиб ғолиблик суппасига кўтарилдилар. Шунини унутмаслик керакки жамиятимиз тараққий этмоқда, шу билан бирга тараққиётга интилаётган кўплаб давлатлар бор, улар ҳам дунёда ўз ўрнига мавқейига эга бўлиш ҳаракатидалар. Шунини инобатга олиб мамлакатимиз ёшларига имкони борича осонроқ усулларда, тушунарли ва тезкор билимларни етказиб берувчи технологияларни қўллаб ёшларимизни бутун жаҳонда рақобатбардош кадрлар қилиб тайёрлашимиз керак.

Биз мазкур муаммоларни ечимларидан бири бу педагогик технологияларни дарсларда ўринли ва ўз вақтида қўллашни лозим деб ҳисоблаймиз ва айрим педагогик технологияларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

## **ТАЪЛИМ БЕРИШ ШАКЛЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИГА ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР**

Замонавий педагогикада таълим беришнинг умумий шакллари (жамоавий, гуруҳли, якка тартибда) ва ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этиш шакллари (дарс, фан, техника тўғараклари, ўқувчилар илмий уюшмлари, экскурсиялар) фарқланади.

Таълимни ташкил этиш шакллари педагогик жараёни ташкил этишнинг тарихан мавжуд бўлган, барқарор ва мантиқан туглланган кўриниши бўлиб, унга мунтзамлик ва яхлитлик, ўз-ўзини ривожлантириш шахслик ва фаолиятли характер иштирокчилар тақибининг доимийлиги ўтказишнинг муайян тартиби мавжудлиги хосдир.

### **Дарснинг таркибий элементлари**

Дарснинг биринчи элементи-ташкилий қисм

Иккинчи элемент- уйга берилган ёзма вазифани текшириш

Учинчи элемент- ўқувчилар билимини оғзаки текшириш (ёки сўраш)

Дарснинг тўртинчи элементи- янги материални тушунтириш

Бешинчи элемент-уйга вазифа бериш

Олтинчи элемент-янги материални мустаҳкамлаш

Еттинчи элемент-дарсни уюшқоқлик билан якунлаш

### **Дарснинг тузилиши**

**Анъанавий дарс тузилиши:** сўраш, тушинтириш, мустаҳкамлаш

**Замонавий дарс тузилиши:** дидактик, ва мантиқий – психологик тузилиш

**Замонавий дарс тузилишига қўшимча:** мотивланган ва методик

### **Дидактик тузилиши**

1. Таянч (аввалги) билимларни ва ҳаракат усулларини фаоллаштириш
2. Янги тушунча ва ҳаракат усулларини шакллантириш
3. Билимларни қўллаш, билиш ва кўникмаларни шакллантириш (махсус такрорлаш ва мустаҳкамлаш).

### **Дарсинг мантиқий – психологик тузилиши**

1. Маълум билимларни тиклаш ва идрок этиш
2. Ўқувчилар томонидан янги билимларни англаш ва тушиниш
3. Билим элементлари ва ҳаракат усуллари умумлаштириш (махсус такрорлаш ва мустаҳкамлаш)

### **Дарсда излаш фаолият босқичлари**

1. Муаммоли вазиятни ташкил этиш ва муаммони қўя олиш
2. Тахминлар фаразларни илгари суриш
3. Фаразларни сбот этиш
4. Муаммоларнинг тўғри ҳал этилганлигини текшириш
5. Хулосаларни шакллантириш
6. Билимларни нотаниш (ностандарт) вазиятларда қўллаш.

### **Дарсинг мотивланган тузилиши**

1. Ўқувчиларнинг диққатини ташкил этиш ва бошқариш
2. Фаолият мазмунини шархлаш (изохлаш)
3. Мотивланган ҳолатларни актуаллаштириш
4. Ўқувчилар билан ҳамкорликда дарсинг мақсадини белгилаш
5. Мақсадга эришишда ютуқли вазиятларни вужудга келтириш
6. Ўқувчиларнинг ҳаракатларида ижобий хис-туйғулар ва ўзига ишончни қўллаб-қувватлаш

### **Ўқув фаолиятини тузилиши**

Ўқув фаолияти=талаб+мотив+ўқув ҳаракатлари+ ўз-ўзини назорат+ўз ўзини баҳолаш

### **Дарслар типологияси**

- 1-тип; - янги материални ўрганиш дарси**
- 2-тип; - билимлар, кўникмалар қўллаш ва мукамаллаштириш**
- 3-тип; - билимларни умумлаштириш ва системалаштириш**
- 4-тип;- билимлар ва кўникмаларни тартибга солиш ва назорат қилиш**

## **5-тип; - аралаш дарс**

**Муаммолилик** тамойилига асосан дарслар муаммоли ва муамоли бўлмаган дарсларга бўлинади.

**Дарсинг қуйидаги кўринишлари мавжуд;** суҳбат дарс, лабаратория иши, синов, кинодарс, компьютер иши машғулотлари

## **Ностандарт (стандарт бўлмаган) дарслар**

1. Мусобақа в ўйин шаклидаги дарслар; танлов, турнир, эстафета, дуэль, КВМ, тадбирли ўйин, роль ва ўйин, кроссворд, викторина.
2. Ижтимоий амалиётда маълум бўлмаган иш шакллари, жанрлари ва методларига асосланган дарслар, тадқиқ этиш, ихтирочилик, бирламчи манбалар таҳлили, шарҳ, ақлий ҳужум, интервью, репортаж, тақриз
3. Мулоқотнинг оғзаки шаклини эслатувчи дарслар; матбуот конференцияси, аукцион, бенефис, митинг, вақти чегараланган мунозара, панорама, телекўприк, билдирги, диолог, жонли газета, оғзаки журнал.
4. Ўқув материалларини ноанъанавий ташкил этишга асосланган дарслар; донолик дарлари, очик тан олиш, дублер ҳаракат болайди дарси.
5. Хаёллашган дарслар; эртак дарс, совға дарс, ХХI аср дарси.
6. Муассаса ва ташкилотлар фаолиятига ўхшаш асосланган дарслар; суд, тергов, трибунал, патент бюроси, илмий кенгаш, муҳаррирлар кенгаши.

## **Ўйинли технологиялар**

Ўйинли технологиялардан фойдаланишнинг асосини талабларни фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолият ташкил қилади. Ўйин олимлар тадқиқотларига кўра меҳнат ва ўқиш билан биргаликда фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади.

Психологларнинг таъкидлашларича, ўйинли фаолиятнинг психологик механизмлари шахсининг ўзини номоён қилиш, ҳаётда ўз ўрнини барқарор қилиш, ўзини ўзи бошқариш, ўз имкониятларини амалга оширишнинг фундаментал эҳтиёжларига таянади.

Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишга йўналган вазиятларда фаолият тури сифатида белгиланади ва унда шахсининг ўз хулқини бошқариш шаклланади ва такомиллашади.

Д.Н.Узнадзенинг таърифича, ўйинли фаолиятнинг психологик механизмлари шахсга хос бўлган ички имманент психик (рухий) хулқи шаклидир.

Л.С.Вигодский ўйини боланинг ички ижтимоий дунёси, ижтимоий буюртмаларни ўзлаштириш воситаси сифатида таърифлайди.

А.Н.Леонтьев ўйинга шахсининг ҳаёлотдаги амалга ошириб бўлмайдиган қизиқишлари (Манфаатлари)ни ҳаёлан амалга оширишдаги эркинлиги сифатида қарайди.

Психологлар таъкидлайдики, ўйинга кириб кетиш қобилияти киши ёшига боғлиқ эмас, лекин ҳар бир ёшдаги шахс учун ўйин ўзига хос бўлади.

Ўйинли фаолият муайян функцияларни бажаришга бағишланган бўлади.

Улар қуйидагилар;

- ❖ Мафтункорлик
- ❖ Комуникативлик
- ❖ Ўз имкониятларини амалга ошириш
- ❖ Даволовчилик
- ❖ Ташхис
- ❖ Миллатлараро мулоқот
- ❖ Ижтимоийлашув

### **Анъанавий ўқитиш моделлари**



Ўнлаб йиллаб ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, анъанавий дарс ўтиш таълимнинг ўзига хос моделларидан бири бўлиб қолмоқда.

Анъанавий дарс – муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган, мавзуга кириш ёритиш, мустаҳкамлаш ва яқунлаш босқичларидан иборат таълим моделидир.

Ўқув материали янги ва анча мураккаб бўлганда, анъанавий дарс – кўп ҳолларда таълим жараёнининг бирдан-бир методи бўлиб қолмоқда.

Маълумки, анъанавий дарсда таълим жараёнининг марказида ўқитувчи туради. Шу боис баъзида анъанавий дарсни марказида ўқитувчи турган ўқитиш усули деб ҳам аташади.

Марказда ўқувчи бўлган ўқув жараёнининг, дарснинг мақсади ва унинг ижобий жиҳатлари қуйида келтирилган асосларга таянади:

- Ўқувчининг ўқишга бўлган иштиёқини ошириб бориш;
- Илгари эгаллаган билимларни ҳам инобатга олиш;
- Ўқиш жараёни тезлигини мувофиқлаштириш;
- Ўқувчи ташаббуси ва мажбуриятини қўллаб-қувватлаш;
- Амалиёт орқали ўрганиш;
- Икки томонлама фикр-мулоҳазалар билан таъминлаш;
- Ўқиш жараёнини тўғри йўлга қўйиш;
- Ўқитувчи-ўқувчилар учун ўқув жараёнини энгилаштирувчи шахс;
- Ўқув жараёнини баҳолаш.

Анъанавий дарс ўтиш моделида кўпроқ маъруза, савол-жавоб, амалий машқ каби методлардан фойдаланилади. Шу сабаб, бу ҳолларда анъанавий дарс самарадорлиги анча паст бўлиб ўқувчилар таълим жараёнининг пассив иштирокчиларига айланиб қоладилар. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли – туман ўқувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини кўтарилишига олиб келар экан.

Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда баҳс, мунозара, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш тадқиқот ролли ўйинлар методларини қўллаш, ранг-баранг қизиқтирувчи мисолларнинг келтирилиши, ўқувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш ранг-баранг баҳолаш усулларида фойдаланиш таълим воситаларида жойида ва вақтида фойдаланиш талаб этилади.

### **Анъанавий дарс ўтишнинг асосий таркибий қисмлари**

#### **1. Кириш.**

- ўтган материални такрорлаш
- дарс мақсадини тушунтириш
- дарс мазмуни ва режаси билан таништириш.

#### **2. Янги мавзуни ёритиш.**

- янги мавзуни кичик-кичик бўлақчаларга бўлиб бериш
- ранг-баранг мисоллар имкони борича кўргазмали тақдим қилиш
- мавзудан чеклашмаслик
- материалнинг мураккаб томонларини қайта тушунтириш
- ўқувчиларнинг тушунувчанлик даражасини текшириб бориш
- тесқари алоқани таъминлаш.

#### **3. «Тета – поя» машқ.**

Бирор мисол (ёки масалани) ўқувчилар билан қадамба-қадам ҳал қилиш ва таҳлил қилиш.

#### **4. Йўналтириб турилувчи машқ.**

Ўқувчилар машқ (ёки масалани) мустақил бажаришади ўқитувчи эса уларни назорат қилиб, тузатиш киритиб боради.

#### **5. Мустақил бажариладиган машқ.**

Ўқувчилар машқни мустақил ҳолда ўқитувчи ёрдамсиз бажарилади.

6. Ўқувчилар тушунарлилик даражасини текшириш.

7. Яқунлаш

Дарс мавзусининг асосий тушунчалари ва ўқув мақсадларини жамлаш.

### **Ўқитишнинг ноанъанавий моделлари**

Бу моделларни шартли равишда 3 га ажратиш мумкин.

- ҳамкорликда ўрганиш модели
- моделлаштириш
- ўрганишнинг тадқиқот модели.

Бу моделлар асосан ўқувчи шахсига қаратилган бўлиб уларни бошқача қилиб марказда ўқувчи турган таълим моделлари деб ҳам аташади.

Моделлаштириш – реал ҳаётда ва жамиятда юз бераётган ходиса ва жараёнларни ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган кўринишини (моделини) синфхонада яратиш ва уларда ўқувчиларни шахсан қатнашиши ва фаолият эвазига таълим олишини кўзда тутувчи метод.

Ҳамкорликда ўрганиш модели – ўқувчиларни мустақил гуруҳларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган метод.

Ўрганишнинг тадқиқот модели – ўқувчиларни муайян муаммони ечишга йўналтирилган, мустақил тадқиқот олиб боришини кўзда тутувчи метод.

Анъанавий (таълим жараёни марказида ўқитувчи бўлган) методларнинг

### **АФЗАЛЛИКЛАРИ**

- Маълум кўникмаларга эга бўлган ва аниқ маълум тушунчаларни, фанни ўрганишда фойдали.
- Ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёнини ва ўқитиш муҳитини юқори даражада назорат қилиниши.
- Вақтдан унумли фойдаланиш.
- Аниқ илмий билимларга таянади.

## **КАМЧИЛИКЛАРИ**

- Ўқувчилар пассив иштирокчи бўлиб қоладилар.
- Ўқитувчининг тўла назорати барча ўқувчилар учун мотивацияни вужудга келтирмайди.
- Ўқувчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириша олмайди.
- Эслаб қолиш даражаси ҳамма ўқувчиларда бир хил бўлмагалиги сабабли, синф бўйича ўзлаштириш даражаси паст бўлиб қолиши мумкин.
- Мустақил ўрганиш ва ечимлар қабул қилиш учун шароитлар яратилади.

Ноанъанавий (таълим жараёни марказида ўқувчи бўлган) ўқитиш методларининг

## **АФЗАЛЛИКЛАРИ**

- Ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиши.
- Ўз вақтида алоқаларнинг таъминланиши.
- Тушунчаларни амалиётда қўллаш учун шароитлар яратилиши.
- Ўқитиш усуллариининг турли хил кўринишлари таклиф этилиши.
- Мотивациянинг юқори даражада бўлиши.
- Ўтилган материалнинг яхши эслаб қолиши.
- Мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашиши.
- Ўз-ўзини баҳолашнинг ўсиши.
- Ўқувчиларнинг предметнинг мазмунига, ўқитиш жараёнига бўлган ижобий муносабати.
- Мустақил фикрлай олдайган ўқувчинингшаклланишига ёрдам бериш.
- Нафақат мазмунини ўзлаштиришга ёрдам бермай, балки танқидий ва мантиқий фикрлашни ҳам ривожлантириш.
- Муаммолар ечиш кўникмаларнинг шаклланиши.

## **КАМЧИЛИКЛАРИ**

- Кўп вақт талаб этилиши.
- Ўқувчиларни ҳар доим ҳам кераклича назорат қилиш имкониятининг пастлиги.
- Жуда мураккаб мазмундаги материал ўрганилаётганда ҳам ўқитувчи ролининг паст бўлиши.
- «Кучсиз» ўқувчилар бўлганлиги сабабли «кучли» ўқувчиларнинг ҳам паст баҳо олиши.

Ўқитувчининг ўзи ҳам яхши ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмаларига эга бўлишининг талаб этилиши.

Анъанавий таълим жараёнини замонавий педагогик технологияларга асосланган ноанъанавий таълим жараёни билан таққослаганда улар ўртасидаги фарқ аниқ кўзга ташланади. (Жадавалга қаранг).

Таълим жаарёнининг ўзига хос босқичлари, хусусиятлари	Анъанавий таълим жараёни	Замонавий педагогик технологияларга асосланган ноанъанавий таълим жараёни
1	2	3
Педагогик муносабатлар типи.	Субъект-объект	Субъект-объект
Педагогик муносабатлар типи.	Авторитор	Инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш, ўзаро ҳамкорлик.
Дарснинг мақсади	Билимларни ўзлаштириш, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, ўқув материални тушуниш.	Шахснинг қизиғиши, мотивини ривожлантириш, ақлий, маънавий-ахлоқий, руҳий ва жисмоний баркамоллигини

		таъминлаш.
Таълимнинг харакатлантирувчи кучи	Таҳдид, буйруқ, таъқиқлаш, жазолаш, баҳо, бошқаларга таққослаб, шахсни камситиш ёки рағбатлантириш.	Билиш қувончи, ўзидаги ижобий ўзгаришларни хис қилиш, ўзига ва ўз билимига ишончнинг пайдо бўлиши, ўзини ва бошқаларни ҳурмат қилиш, ўзаро ҳамжихатликка асосланган қулай ижтимоий психологик муҳит
Ўқувчининг вазифаси	Ахборотни қабул қилиш, ёдлаш, ахборотни қайта ишламаган ҳолда жавоб бериш ва тегишли баҳони кутиш.	Ўқув топшириқлари ва муаммони ҳал этишга оид индивидуал, гуруҳли изланишларда иштирок этиш, доимо ўз билимини бойитиш ва мустаҳкамлаш мақсадида мунтазам ва сидқидилдан меҳнат қилиш, ўзини, иқтидорини намоён этиш.
Таълимнинг якуний натижаси.	ДТС ва дастур талабларига мос билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланишига эришиш.	Ўқувчиларнинг ақлий, маънавий-ахлоқий, жисмоний, руҳий баркамоллигига эришиш, билимларни эгаллаш усуллари, ўзлаштирган билимларни янги, кутилмаган вазиятларда қўллашга ўргатиш, ўз устида мустақил ва

		мунтазам кўникмаларини қилиш.	ишлаш ҳосил
--	--	-------------------------------------	----------------

Анъанавий таълим технологияларига асосланган маъруза, семинар, синов дарсларининг таълим жараёнида тутган ўрни ва қимматини камайтирмаган ҳолда, уларни ҳозирги замон талаблари асосида такомиллаштириш йўллари устида қайғуриш зарур.

Мазкур дарсларни такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратилиши кўзда тутилади:

Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш. Ҳамкорлик педагогикасига амал қилиш.

1. Таълим жараёнини демократлаштириш. Ўқувчиларга танлаш ҳуқуқини бериш.
2. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, ўзаро ҳамжихатликка асосланган қулай ижтимоий – психологик муҳит яратиш.
3. Ўқувчиларнинг ижодий ва мустақил ишларини самарали ташкил этиш.
4. Маъруза, семинар ва амалий машғулотларда замонавий таълим технологияси элементларидан фойдаланиш.

Бугунги таълим жараёни педагогнинг шахсга бўлган инсонпарварлаштирилган муносабати болаларни севиш, уларнинг тақдири учун қайғуриши, болаларга ишончнинг юқорилиги, ўзаро ҳамкорликнинг вужудга келиши, мулоқот маданиятининг юқори даражада бўлиши, таълим олувчиларни тўғридан-тўғри мажбурлашдан воз кечиш ва аксинча ижобий рағбатлантиришнинг усутнлиги туфайли кўзланган мақсадга эришиш, болалар фаолиятида учрайдиган камчиликларга чидамли бўлиш, уларни бартараф этишнинг самарали

усулларини кўллашда намоён бўлса, таълим жараёнини демократлаштириш эса ўқитувчи ва ўқувчилар ҳуқуқларини тенглаштириш, таълим жараёнида таълим олувчиларга танлаш ҳуқуқининг берилиши, ўз фикри, нуқтаи назарини эркин баён этишни ақозо этади.

Ноанъанавий таълим жаарёнида ўқувчилар ва ўқитувчилар муносабатининг ўзига хос жиҳати ўқувчилар мустақиллиги ва ўқув фаолиятини бошқариш эмас, балки ҳамкорликда ташкил этиш, таълим олишда мажбурлаш эмас, балки ўқувчиларни ишонтириш, бирор-бир фаолиятни амалга ошириш буйруқ орқали эмас, балки шу фаолиятни самарали ташкил этиш, шахснинг эҳтиёжи, қизиқиши, имкониятларини чегаралаш эмас, балки эркин танлаш ҳуқуқини бериш саналади.

Янги муносабатларнинг асосий моҳияти, анъанавий таълимда кўзда тутилган натижаларни бермаётган мажбуран ўқитишдан воз кечиш ва унинг ўрнига:

- ўзаро ишончга асосланган талабчанлик;
- таълим жараёнини самарали ташкил этиш орқали ўқувчилар ўртасида қизиқиш уйғотиш ва онгли интизомни вужудга келтириш;
- ўқувчиларни муваффақиятли билим олишга йўлловчи ҳамкорликнинг пайдо бўлиши;
- мунтазам фаолиятнинг ташкил этилиши;
- тегишли талабларни жамоа орқали кўллашни амалга ошириш муҳим саналади.

Ноанъанавий таълим жараёнини ташкил этишда:

- ўрта савияли ўқувчига нисбатан мўлжал олишдан воз кечиш;
- ўқувчиларнинг энг яхши сифатларини аниқлаш ва ривожлантириш;




- таълимда психологик-педагогик диагностикани қўллаш орқали ўқувчиларнинг қизиқиши, эҳтиёжи, қобилияти, шахсий сифатлари, ақлий фаолиятнинг хусусиятларини аниқлаш;

- ўқувчилар ўзлаштирадиган билим, кўникма ва малакалар динамикасини тасаввур қилиш;

- ўқувчи шахси ривожланишининг дастурига тегишли ўзгартиришлар киритиш талаб этилади.


### **Анъанавий таълим**

### **Ривожлантирувчи таълим**




етиши, керакли билимни  
қидириб топа олиши.


### Таълимий (дидактик) мақсадлар



### Методлар




### Дарс вақтида ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш шакллари




## ПИНБОРД ТЕХНИКАСИ

### Пинборд техникаси


(инглизчадан: pin – маҳкамлаш, board – доска)  
муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш  
ва гуруҳлашни амалга оширишга, жамоа тарзда  
ягона ёки аксинча қарама-қарши  
позицияни шакллантиришга имкон беради



Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарларини  
баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий  
ҳужумнинг бошланишини ташкил қилади (рағбатлантиради)



Фикрларни таклиф қиладилар, муҳокама қиладилар, баҳолайдилар  
ва энг оптимал (самарали) фикрни танлайдилар. Уларни таянч  
хулосавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида  
қоғозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар



Гуруҳ намоёндалари доскага чиқадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:

- 1) яққол хато бўлган ёки такрорланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;
- 2) баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадилар;
- 3) фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аниқлайдилар;
- 4) шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қоғоз ва рақларидаги) гуруҳларга ажратадилар;
- 5) уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар

ёрдамида кўрсатадилар: коллективнинг ягона ёки қарама-қарши позициялари  
ишлаб чикилади.

**«ПИНБОРД» техникаси бўйича топшириқ**

Мавзу	Инвестор учун	Инвестиция кiritилган фирма ёки ташкilot учун	Мамлакат учун

**«ПИНБОРД» техникаси бўйича топшириқ**

Мавзу	Ижобий томонлари	Салбий томонлари	Хатарлилик даражаси

**Гуруҳларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш мезонлари**

Топшириқлар, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ
1-топшириқ: (1 балл)			
- савол тўғри бажарилиши (0,5 балл)			
- гуруҳнинг фаоллиги (0,5 балл)			
2-топшириқ: (1 балл)			
- мавзунинг тўлиқ ёритилиши (0,5)			
- тақдимотнинг кўргазмаллиги (0,3)			
- гуруҳнинг фаоллиги (0,2)			
<b>Жами: (2 балл)</b>			

1,5 – 2 балл - «аъло»

1,0 – 1,4 балл - «яхши»

0,5 – 0,9 балл - «қониқарли»

0 - 0,4 балл - «қониқарсиз»

Ўқитувчи маъруза бошланишидан олдин талабаларга мавзу бўйича ёздирган асосий тушунча ва ибораларга умумий тушунча беришни ва уларнинг маъруза жараёнида қўлланилишининг тахминий кетма-кетлигини аниқлашни таклиф қилади.

«Кутиш ҳамкори»

Ўқитувчи маъруза якунида талабаларга асосий тушунча ва ибораларга қайтишни, ҳамда уни асл натижалар билан солиштиришни таклиф қилади.

Т-схемани тузиш қоидаси билан танишадилар. Индивидуал холда Т-схемани ишлаб чиқадиладар.

**Т-схема**  
Маълумотларни солиштириш ёки икки томонини (ха/йўқ) кўрсатиш учун қўлланила диган чизмали органайзер. Бу: танқидий тафаккурни ривож лантирувчи; кўпроқ якуний маърузада қўлланиладиган таққослаш жадвалидир.

Ажратилган вақт ичида якка холда ёки жуфтликда схемани тўлдирадилар: бир томонида тарафдорлик сабабларини, ик-кинчи томонда қаршилик сабабларини ёзадилар.

Схемалар жуфтликда / гуруҳларда тўлди-рилиши, солиштирилиши мумкин.

Бутун гуруҳ биргаликда битта умумий Т-схемани ишлаб чиқади.

**Т-схема**  
**Ташқи савдони ривожлантириш**

Ижобий томонлари	Камчиликлари
<b>Т-схема. Маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш</b>	

1. Ўзбекистон Республикаси инвестициялар дастурининг асосий мақсадларини кўрсатинг. Ҳар бир йўналишнинг кўзда тутилган хусусиятларини қайд этинг. Ушбу савол юзасидан қуйидаги Т-схема жадвалини тўлдириш


**Т-схема**  
**Ўзбекистон Республикаси инвестициялар дастури**

<i>Дастур амалга йўналтирилган кўйилмалар прог-нозини ўз ичига олади:</i>	<i>Қандай амалга ошириш мумкин</i>	<i>Кўзда тутилаётган натижалар</i>
Табиий минерал хом ашё молиявий моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарасини ошириш;		
Давлат бюджети республиканинг ички ва ташқи қарздорлиги билан боғлиқлиги;		


**Т-схема. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун бериладиган имтиёзлар жорий этиладиган иқтисодиёт тармоқлари**

	<i>Ижобий томонлари</i>	<i>Салбий томонлари</i>
Радиоэлектроника саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникаси бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш.		
Ипакчилик саноати		
Қурилиш материаллари саноати		
Енгил саноат		
Парранда гўшти ва тухумни саноат миқёсида етиштириш		
Озиқ-овқат саноати		
Кимё-фармацевтика саноати		
Гўшт-сут саноати		


**Ўқув топшириқлари**  
**1-гурух**  
**«Нима учун?» техникаси**



**2-гурӯх**  
**«Нима учун?» техникаси**



**3-гурӯх**  
**«Нима учун?» техникаси**





### Саволлар асосида БББ жадвалини тўлдириш

<i>Саволлар</i>	<i>Биламан</i>	<i>Билишни хоҳлайман</i>	<i>Билиб олдим</i>
1.Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришларни мисоллар ёрдамида изоҳланг.			
2.Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири қайси йўналишларда намоён бўлди. ?			
3.Ташқи иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигини ошириш қайси омилларга боғлиқ ?			
4.Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлан-тиришда хорижий инвестицияларни роли нималардан иборат ?			
5.Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи хорижий инвестициялар ишти-рокидаги корхоналарни кредитлашнинг иқтисодий моҳиятини тушунтириб беринг.			
6.Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган кредитларга қайси омиллар таъсир қилади ?			
7.Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экспортини ривожлантиришнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.			

## 1-ГУРУҲ

1. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг зарурлигини асослаб беринг?

2. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш зарурми? Нима учун?

Ушбу савол асосида ФСМУ жадвалини тўлдилинг.

### ФСМУ жадвали

Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб зарурми?

<b>Ф</b> (Фикрингизни баён этинг).
<b>С</b> (Фикрингиз баёнига бирор сабаб кўрсатинг).
<b>М</b> (Кўрсатилган сабабга тушунтирувчи мисол келтиринг).
<b>У</b> (Фикрингизни умумлаштиринг).

3. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш тартибини мантиқий-структуравий схема асосида тасвирланг:

Ҳар бир таснифни мазмунини тушунтиринг;

Ҳар бир гуруҳга мисоллар келтириб, изоҳланг

### Гуруҳ ишларини баҳолаш жадвали

<i>Гуруҳлар</i>	<i>Жавобнинг тўлалиги, аниқлиги, тушунарлилиги (1,0)</i>	<i>Кўрғазмалилиги (0,5)</i>	<i>Гуруҳ иштирокчиларининг фаоллиги (0,5)</i>	<i>Балларнинг умумий ҳажми</i>	<i>Баҳоси</i>
1.					
2.					
3.					

Ҳар бир гуруҳ иккинчи гуруҳ тақдимотини баҳолаш мезонларини балларини кўшиш орқали баҳолайди. Гуруҳ олган баҳо ҳар бир гуруҳ иштирокчисининг баҳоси ҳисобланади:

1,5 – 2 балл - «аъло»

1,0 – 1,4 балл - «яхши»

0,5-0,9 балл - «қониқарли»

0 - 0,4 балл - «қониқарсиз».

## Мунозара иштирокчиларини баҳолаш мезонлари

<i>Баҳолаш мезонлари (баллда)</i>	<i>Доклад қилувчилар</i>			
1. Доклад мазмуни (1,0): - долзарблиги; - баён қилинишининг тушунарлилиги, изчиллиги ва мантиқий боғлиқлиги; - хулосанинг аниқ шакллантирилиши. 2. Фойдаланилаётган маълумотнинг янгилиги (0,5) 3. Тақдимотда қўлланилган воситалар (0,4) 4. Регламентга риоя қилиш (0,1)				
<b>Жами:</b>				
	<i>Тақризчилар</i>			
1. Докладни янгилик била тўлдирганлигига (0,5) 2. Докладнинг кучли ва бўш томонларини аниқ кўрсатганига (1,5)				
<b>Жами:</b>				
	<i>Мунозара иштирокчилари</i>			
1. Саволлар: - ҳажми (0,1 ҳар бир савол учун); - мазмуни ва моҳияти бўйича (0,3) 2. Қўшимча киритганига (1,0)				
<b>Жами:</b>				

**Анжуман иштирокчилари учун белгиланган регламент:**

Докладчи – 5 дақиқа

Такризчи –3 дақиқа

Докладчилар томонидан саволларга жавоб бериш – 3 дақиқа

Такризчилар томонидан саволларга жавоб бериш -3 дақиқа

Муҳокама ва мунозара учун – 3 дақиқа

**Мунозара иштирокчисига эслатма**

1. Мунозара муносабатларни ҳал этиш эмас, балки муаммоларни ечимини ҳамкорликда топиш методидир.
2. Бошқалар ҳам фикр билдиришларига имконият яратиш учун узоқ гапирма.
3. Ақлли фикрларинг мақсадга етиши учун сўзларингни тарозига сол, ўйлаб, сўнгра гапир, ҳис-туйғуларингни назорат қил.
4. Такризчи ва оппонент фикрини тўғри тушунишга ҳаракат қил. Унинг фикрини ҳурмат қил.
5. Фақат мунозара мавзуси бўйичагина, аниқ фикр билдир.
6. Ўз тақдимотинг билан кимгадир ёқишга ёки аксинча хафа қилишга уринма.

1. Таянч ибора ва тушунчалар билан танишиб чиқинг.

2. БББ жадвалини тўлдириш учун таянч ибора ва тушунчаларнинг тартиб рақамидан фойдаланинг.

Биламан	Билишни истайман	Билиб олдим
1	2	3

## Таянч ибора ва тушунчалар

1.	Кичик ва хусусий бизнес субъектларини .	11.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш.
2.	Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш	12.	Давлат кафолат фонди.
3.	Кичик ва хусусий бизнес маҳсулотларининг экспорти.	13.	Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан бошқарилиши йўналишлари.
4.	Инвестиция муҳитининг жозибadorлик даражасини аниқлаш.	14.	Ташқи иқтисодий фаолият.
5.	Инвестициявий муҳитни шакллантириш.	15.	Мамлакат ва корхона экспорт имкониятлари.
6.	Минтақа ва ҳудуд даражасида инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилиши.	16.	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар.
7.	Хорижий кредит линияларидан фойдаланиш.	17.	Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари.
8.	Халқаро транспорт йўлаклари	18.	Халқаро меҳнат тақсимоти.
9.	Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш.	19.	Бутунжаҳон савдо ташкилоти.
10.	Ташқи савдо.	20.	Миллий иқтисодиёт манфаатлари.

### Амалиёт-баҳслашув дарси регламенти

- бошқарувчи маъруза мавзусини эълон қилиб, сўз беради.
- маъруза 5-7 минут давом этади.
- оппонент ўз фикр-таклифларини айтади ва маърузага баҳо беради.
- муҳокама 10-12 минут давом этади.

### Баҳслашув иштирокчиларини баҳолаш тартиби

Маърузачилар	Мавзунини тўла очиб бериш даражаси (3 балл)	Аниқлик, эмоция (3 балл)	Тўғри жавоблар сони (1 балл)	Баллар суммаси
Ф.И.О.				
Ф.И.О.				
Ф.И.О.				
...				

оппонент	Маърузанинг бўш томонларини аниқлаш, танқидий даража (1 балл)	Мустақил тўлдириш	Баллар йиғиндиси
Ф.И.О. Ф.И.О. Ф.И.О. ...			

Иштирокчилар	Қўшимчалар (0,2 балл)	Саволлар (0,1 балл)	Аниқлик (0,3 балл)	Ҳаммаси
Ф.И.О. Ф.И.О. Ф.И.О. ...				

**Талабаларнинг билимларини баҳолаш учун саволлар:**

1. Аграр секторнинг иқтисодиёт таркибидаги ўрни қандай?
2. Жамоа ва ширкат хўжалиқларининг умумий томонлари ва фарқлари нималардан иборат?
3. Қишлоқда мулкчилик муаммосини ҳал этиш йўналишлари қандай?
4. «Пай» нима? Уни мулкчилик шаклининг бир кўриниши сифатида баҳолашини асослаб беринг.
5. Оилавий пудратнинг қандай афзалликлари мавжуд?

**Аграр секторни ислоҳ қилиш борасидаги билимларни баҳолашга оид  
назорат карточкалари**

<i>1-карточка</i>
1. Аграр муносабатлар –
2. Рента –
3. Агробизнес –

<i>2-карточка</i>
1. Агросаноат мажмуаси –
2. Жамоа хўжалиги –
3. Оилавий пудрат –

<i>3-карточка</i>
1. Ер –
2. Пай –
3. Фермер хўжалиги –

<i>4-карточка</i>
1. Агросаноат интеграцияси –
2. Ширкат хўжалиги –
3. Деҳқон хўжалиги –

**Қуйидаги таърифларга мос келувчи асосий тушунчаларни айтинг:**

ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар;

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ хўжалик тармоқларининг бирлиги;

қишлоқ хўжалиги билан унга хизмат қилувчи ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланиши ҳамда уларнинг узвий бирикиш жараёнидир;

тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳалардаги намоён бўлиш шакли;

аъзоларнинг ишлаб чиқариш воситалари ҳамда унинг натижасига умумий мулк эгалиги асосида бевосита ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиши орқали ташкил этилувчи қишлоқ хўжалиги юритишнинг жамоа шакли;

қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш ва маҳсулот етиштириш бўйича жамоа хўжалиги ва алоҳида оила аъзолари ўртасидаги шартнома;

қишлоқ хўжалигидаги ходимнинг хўжалик ихтиёридаги умумий ер ва бошқа мол-мулк қийматидаги улуши;

ерни узоқ муддатли ижарага олиш асосида ташкил этилган, қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик шакли.





**6-6 техникаси** кўйилган муаммо юзасидан жамоавий шакллантирилган, таклиф қилинган ечимлар вариантларнинг энг сарасини танлаб олиш ва баҳолаш, сўнгра уларни умумий хусусиятларига қараб қуйидаги алгоритм бўйича гуруҳлаштириш имконини беради.

6 кишидан иборат бўлган кичик гуруҳ 6 дақиқа ичида кичик муаммо ва умуман асосий муаммони ечимини топишга ёрдам берувчи муаммоли саволларга аниқ жавоблар топишга ҳаракат қиладилар. Ҳар бир иштирокчи алоҳида қоғоз варағига ўзининг жавобларини ёзади.

Кичик гуруҳларда тайёрланган жавоблар муҳокама қилинади: нотўғри фикрлар олиб ташланади, мужмал фикрларга аниқлик киритилади, асосийлари танлаб олинади. Танлаб олинган жавобларни тизимлаштириш учун маълум хусусиятлар аниқланади ва шу асосда кичик муаммо ҳамда асосий муаммо бўйича ечимлар гуруҳлаштирилади.

Гуруҳ ишлари натижасининг тақдими ва муҳокамаси ўтказилади, таклиф қилинган кичик муаммо ҳамда асосий муаммо бўйича аниқ, структурага солинган, рационал ечимлар ишлаб чиқилади ва таклиф қилинади.

**“Глобаллашув ҳамда иқтисодий интеграцияллашувнинг кучайиб боришида инвестиция жараёнлари” мавзуси бўйича муаммоли маъруза машғулотида талабалар фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари**

**Маъруза машғулотини рейтингини**

86-100% 2 балл - аъло


71-85% 1,7 балл - яхши

55-70% 1,4 балл - қониқарли

**Баҳолаш мезони**

Ф.И.Ш.	Баҳо	Мезонлар			
		Ўтилган материаллар-ни билиш	Фаоллиги (қўшимча қилиш, саволлар, жавоблар)	Муаммони ечим юзасидан таклифлар	Баллар ҳажми
	Баллар	0,8	0,6	0,6	2
	%	40	30	30	100
1.					
2.					
3.					

**Муаммо ечимини энг сарасини танлаш ва баҳолаш техникаси**



## Альтернатив ғояларни (гурӯхларда) баҳолаш варағи

Гуруҳ	Альтернатив ғоялар											
	1-си			2-си			3-си			4-си		
1.												
2.												
3.												
N												
Жами												

**И** – муҳокама иштирокчиси

**Д** – даражали баҳо (айни зарур таклифдан – 1-ўриндан, то зарурати кам, иккинчи даражали таклифгача – n - гача);

**Б** – альтернативлар баҳоси, балларда (1–юқори балдан то 10–паст баллгача);

**Х** – ҳосил қилиш **Д х Б**

### “Инсерт усули”

**Инсерт** - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

### Матнни белгилаш тизими

(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

### Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Корхонанинг бизнес режаси				
Ишлаб чиқариш ресурслари				
Иқтисодий ресурслар				
Банкротлик				
Молиявий режа				
Корхона фаолиятини молиявий самарадорлиги				
Ишлаб чиқариш режаси				
Ўрганиш услублари				

### **Мунозара қатнашчиларига эслатма**

1. Мунозара муносабатлар йиғиндиси эмас, балки муаммо ечими услубиятидан иборат;
2. Кўп гапирмасдан бошқаларнинг сўзлашига имкон бер.
3. Мақсадга эришиш йўлида хиссиётларинни жиловлаб, батафсил ўйлаган ҳолда сўзла.
4. Рақибларинг вазиятини ўрганиб, уларга хурмат билан муурожаат қил;
5. Рақибларинг томонидан айтилган фикрларга танқидий ва истехзоли ёндаш;
6. Мунозара предмети бўйича четга чиқмаган ҳолда тўғри ёндашиб гапир.

### **Муаммоли семинарнинг бошқарув дастаклари**

**Бошловчи** барча вазифаларни ўзига олади – мунозара бошқичларини бошқариш, жавобларнинг асосланиши ва тўғрилигини тасдиқлаш, қўлланган термин ва тушунчаларнинг аниқлаш, муносабатларни тўғри қўллаш ва бошқалар. Тақдимотларнинг тақсимотини тўғри бошқариш.

**Такризчи** – томонларнинг маърузаларини йўналишлар бўйича белгилаш ва тўлиқ характерда баҳолаш: долзарблиги, илмий жиҳати, мантиқийлиги ва масалаларнинг аниқ қўйилганлиги, хулосаларнинг аниқ кўрсатилиши.

**Рақиб** – қабул қилинган тадқиқот ўртасида рақобатчилик жараёнини шакллантиради. У фақатгина маърузачининг асосий ҳолатини танқид қилиш эмас, шу билан биргаликда, унинг айтган фикрларидан заиф ёки ҳато томонларини топиш ҳамда ўзининг ҳал қилувчи фикрларини таклиф қилиши ҳам мумкин.

**Эксперт** – барча мунозараларнинг, жумладан, мунозара қатнашчилари томонидан айтилган фикрларнинг, қилинган хулосаларнинг, таклиф ва гипотезаларнинг махсулдорлигини баҳолайди.

### **Мунозара регламентини ўтказиш тартиби**

1. Бошловчи маъруза мавзуси ва маърузачиларнинг тақдимотларин эълон қилади.
2. Маъруза 5 минут давом этади.
3. Такризчи – 2 минут.
4. Рақиб – маъруза мавзуси бўйича фикрларини 1-3 минут тақдим этади.
5. Жамоавий муҳокама – 5-10 минут.

**“Синквейн” (5 қатор) техникаси**  
 Мақсад – категорияга характеристика бериш

Синквейн схемаси:

- 1-қатор – тушунча
- 2-қатор – тушунчани тавсивловчи 2 сифат
- 3-қатор – ушбу тушунча вазифалари тўғрисидаги 3 та феъл
- 4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўзли сўз бирикмаси
- 5-қатор – ушбу тушунча синоними.

**Семинарни баҳолаш жадвали**

Гуруҳ	Синквейн аъло – 0,5 балл яхши -0,4 балл қон-ли – 0,3 балл					Таққослама таҳлил аъло – 0,5 балл яхши -0,4 балл қон-ли – 0,3 балл					Умумий балл (5+10 устин)	Баҳо
№	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
	1	2	3	4	жами	1	2	3	4	жами	3 балл	2-3 –«аъло» 1-2 –«яхши» 0,5-1-«қон- ли».
1	-					-						
2		-					-					
3			-					-				
4				-					-			


## Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балларда)	Мунозара иштирокчилари			
	Маърузачилар (Ф.И.Ш.)			
	1	2	3	4
<i>Маърузанинг мазмуни (2,5):</i>				
- мавзуга мос келиши (1,5);				
- мантиқийлик, аниқлик (0,5);				
- хулосаларни қисқалиги (0,5);				
<i>Информацион технологиялардан фойдаланганлиги (кўргазмалilik) – (0,9).</i>				
<i>Регламент (0,6)</i>				
<i>Жами (4,0)</i>				
	Такризчилар (Ф.И.Ш.)			
<i>Маърузанинг тавсифи (3,0)</i>				
- маърузанинг кучли томонлари аниқлаш (1,2)				
- маърузанинг заиф томонлари аниқлаш (1,2)				
<i>Регламент (0,6)</i>				
<i>Жами (3,0)</i>				
	Оппонентлар, иштирокчилар (Ф.И.Ш.)			
<i>Саволлар:</i>				
- ҳар бири учун (0,3)				
<i>Қўшимча</i>				
- ҳар бири учун (0,3)				
- моҳияти бўйича (0,3)				
<i>Жами (3,0)</i>				

## 3-гурух.

Корхоналарда инқирозга қарши бошқаруви фанни мақсад ва вазифаларига таъриф беринг ва кластер тузинг. (3 илова)


Топширик: «Корхонани асосий маблаглари» сўзига кирувчи молиявий курсаткичларни “кластер” да кўрсатиб беринг.



Кластерни тузиш қоидаси

1. Ҳаёлингизга келган барча тушунчаларни ёзинг. Ғоя сифатини муҳокама қилманг: уларни оддий ҳолда ёзинг.
2. Орфография ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзувни тўхтатманг. Агарда фикрлар келиши бирдан тўхтаса, у ҳолда қоғозга расм чизинг, қачонки фикрлар пайдо бўлмагунча.
4. Кўпроқ алоқа бўлишлигига ҳаракат қилинг. Тушунчалар сони, улар оқими ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик бўйича чегараланманг.

## КЛАСТЕР



## Б.Б.Б. методи асосида тарқатма материаллар

	Тушунча	Биламан "+", Билмайман "- ".	Билдим "+", Билаолмадим "- ".
1	Инқироз		
2	Самарадорлик		
3	Корхонанинг молиявий ҳисоботи		
5	Инқирозга қарши бошқарув тамоиллари		
6	Корхонанинг тўловга қобилияти		
7	Дебиторлик қарз		
8	Кредиторлик қарз		
9	Корхонанинг ишлаб чиқариш ресурслари		
10	Капитал куйилмалар		
11	Бошқаришнинг усуллари ва қонунлари		
12	Корхонани молиявий соғломлаштириш босқичлари		



**«Кадрларнинг гармоник ривожланишини тайёрлаш стратегияси» мавзуси  
бўйича  
«Б/БИ/БО» жадвали**

Маъруза саволлари	Биламан (Б)	Билишни истайман (БИ)	Билиб олдим (БО)
Кадрлар тайёрлаш миллий дастури			
Мактабгача таълим			
Бошланғич таълим			
Умумий ўрта таълим			
Академик лицей			
Касб-ҳунар коллежи			
Олий таълим			
Малака ошириш тизими			
Бакалавр			
Талаба			

**Эксперт гуруҳлар фаолияти натижаларини баҳолаш  
мезонлари**

<b><i>Кўрсаткичлар</i></b>	<b><i>Макс.балл</i></b>	<b><i>Гуруҳ иши натижаларининг баҳоси</i></b>			
		<b><i>1</i></b>	<b><i>2</i></b>	<b><i>3</i></b>	<b><i>4</i></b>
Маълумотнинг тўлалиги	1,0				
Тақдимот (маълумотнинг чизмали тарзда тақдим этилиши)	0,6				
Гуруҳнинг фаоллик даражаси (қўшимчалар киритиш, савол-жавоблар бериш)	0,4				
Балларнинг максимал ҳажми	2				

**Эксперт варағи №1**

***Хорижий инвестицияларнинг шакллари ва турлари***

1. Инвестициянинг шартли равишда қандай турларини ажратиш мумкин ?
2. Хорижий инвестициялар кўламига қараб қандай турларга ажратилади ?
3. Хорижий инвестицияларни қандай шакллари мавжуд ?  
(Маълумот жадвал / структуравий-мантикий схема / кластер ва хокозаларда тақдим этилади)

**Эксперт варағи №2**

***Давлат инвестициялари ва хусусий инвестициялар***

1. Инвестицияда қатнашиш характери ва мақсадига кўра инвестициялар қандай турларга ажратилади ?
5. Инвестициялаш даврига қараб инвестициялар қандай турларга ажратилади ?
6. Мулк шаклларида келиб чиқиб инвестициялар қандай турларга ажратилади ?  
(Маълумот жадвал / структуравий-мантикий схема / кластер ва хокозаларда тақдим этилади)

**Эксперт варағи №3**


***Бевосита ва портфель инвестициялар***

1. Инвестиция фаолиятига тегишли ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ва субъекти ҳақида тушунча беринг.
2. Бевосита инвестицияларнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Портфелли хорижий инвестицияларнинг асосий ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг.  
(Маълумот жадвал / структуравий-мантикий схема / кластер ва хокозаларда тақдим этилади)

## «ЗИГЗАГ» ТЕХНИКАСИ

**Ўзаро ўқитиш** ягона тамойилга асослангандир: ўқув гуруҳи кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ аъзоси ўрганилаётган мавзунинг маълум соҳаси бўйича эксперт бўлади ва бошқаларга ўргатади.

Ҳар бир гуруҳнинг асосий мақсади: ҳар бир талаба мавзунини тўлиқ ўзлаштириши керак.



**1-босқич:**  
**Мустақил иш.**  
Мустақил ўрганишлари учун гуруҳ ичида ўқув материални тақсимлаш.

**2-босқич:**  
**Экспертлар учрашуви.**  
Эксперт гуруҳларида ўқув материални ҳамкорликда ўрганиб чиқиш ва ўзгаларни ўргатишга тайёрланиш.

**3-босқич:** **Ўзаро бир-бирини ўргатиш.**  
Ўзаро ўргатиш, эгалланган билимларни ўзаро назорат қилиш ва баҳолаш

**Эксперт варағи №1****Ўзбекистон Республикасида хорижий инвесторлар учун берилган ҳуқуқлар**

1. “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмуни ва моҳияти.
2. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг қандай ҳуқуқий асослари мавжуд ?
3. "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмунини тушунтириб беринг.

**Эксперт варағи №2****Инвестиция шартномалари**

1. “Инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш тартиби” тўғрисидаги низомнинг моҳияти нималардан иборат ?
2. “Инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш тартиби” тўғрисидаги низомга мувофиқ чет эллик инвесторларга қандай кафолатлар ва ҳимоя чораларига эга бўлади?
3. Инвестиция шартномасининг таркибига нималар киради ?

**Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари**

Гуруҳ	Баҳо	Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари			
		Маълумотни тўлиқ ёритиши	Гуруҳ иштирокчиларининг фаоллиги	Маълумотнинг тақдим этилиши	Жами
	<b>Балл</b>	<b>1,0</b>	<b>0,5</b>	<b>0,5</b>	<b>2</b>
<b>1.</b>					
<b>2.</b>					
<b>3.</b>					

## Гуруҳ ишларини умумлаштирувчи баҳо

Гуруҳ	1	2	3	Жами балл	Баҳо
1.					
2.					
3.					


1,5 – 2 балл - «аъло»  
1,0 – 1,4 балл - «яхши»  
0,5-0,9 балл - «қониқарли»  
0 - 0,4 балл - «қониқарсиз».

2-илова (6.2)


### «Балиқ скелети» техникаси

Ушбу технология катта муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида муаммолар тури ёзилса, пастки қисмида эса мисоллар билан изоҳланади.


### Ўқув топшириқлари 1-гуруҳ



### 2-гуруҳ



### 3-гуруҳ



**«Конверт» техникаси учун саволлар  
(Ҳар бир савол конвертларга алоҳида солинади)**

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳолатини таҳлил қилиш.

Жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг таркибий тузилиши.

Бевосита ва портфель инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш.

Хорижий инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлаш.

Экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг муҳим стратегик йўналишлари.

Хорижий инвесторлар учун қулай ва содда солиқ, молия-кредит тизимларини ташкил этиш.

Хорижий валюталарни айирбошлаш.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари.

**«Кооп-кооп» («Биргаликда ўқиймиз») техникасини ўтказиш қондаси**

<i>Фаолият босқичлари</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчи</i>
1.	Турли хил ўзлаштириш даражаларига эга бўлган, 3 ва 5 кишидан иборат кичик гуруҳларни ташкил қилади	
2.	Ҳар бир гуруҳга бутун ўқув гуруҳи ишлаши лозим бўлган, мавзунинг бир бўлаги бўлиб ҳисобланган, битта топширик беради. Эксперт варақларини тарқатади.	Гуруҳ аъзолари ўзаро топширикларни бўлиб олишади.
3.	Топширикни муваффақиятли бажарилишини ва муомала маданиятини назорат қилади.	3.1. Ҳамма топширикни мустақил бажаради, мавзулар бўйича мустақил ишлайди. 3.2. Гуруҳ аъзоларининг мини-маърузаларини тинглайди. Умумий маъруза тайёрланади. Маърузани ўқиш учун спикер тайинланади.
4.	Гуруҳларда иш якунланишини, ва иш натижаси тақдим этилишини эълон қилади.	Гуруҳ-спикери маърузанинг тақдимотини ўтказади.
5.	Натижаларни таҳлил қилади ва баҳолайди, ғолиб гуруҳларни аниқлайди.	

**Эксперт варағи №1**

***Хорижий инвестицияларни суғурталаш***

1. Хорижий инвестицияларни суғурталашнинг моҳияти.
2. Хорижий инвестицияларни сиёсий ва бошқа хавф-хатарлардан суғурталаш.
3. Хорижий инвестицияларни суғурталаш билан шуғулланувчи ташкилотлар.

**Эксперт варағи №2**

***Хорижий инвестицияларни жалб қилиш, йўналтириш ҳамда ўзлаштиришда таваккалчилик.***

1. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш, йўналтириш ҳамда ўзлаштиришда таваккалчиликни камайтириш ёки олдини олиш.
2. Ички ва ташқи таваккалчилик.
3. Таваккалчиликни ҳисоблаш усуллари.

**Эксперт варағи №3**

***Капитал ва валюта айирбошлаш таваккалчилиги***

2. Капитал экспортини суғурталашнинг асосий турлари.
3. Хорижий инвестицияларни йўналтиришда таваккалчилик.
4. Ноаниқлик шароити ва унинг натижалари.



## Гуруҳларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш мезонлари

<i>Топшириқлар, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари</i>	<i>1-гуруҳ</i>	<i>2-гуруҳ</i>	<i>3-гуруҳ</i>
1-топшириқ: (1 балл)			
- савол тўғри бажарилиши (0,5 балл)			
- гуруҳнинг фаоллиги (0,5 балл)			
2-топшириқ: (1 балл)			
- мавзунинг тўлиқ ёритилиши (0,5)			
- тақдимотнинг кўргазмаллиги (0,3)			
- гуруҳнинг фаоллиги (0,2)			
<b>Жами: (2 балл)</b>			

1,5 – 2 балл - «аъло»


1,0 – 1,4 балл - «яхши»

0,5 – 0,9 балл - «қониқарли»

0 - 0,4 балл - «қониқарсиз»

### Талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш учун топшириқлар

#### 1. Қуйидаги чизмани тўлдилинг:



#### 2. Қуйидаги жадвалда келтирилган таянч ибораларнинг тўғри таърифланганини текширинг:

Халқаро иқтисодий интеграция	иқтисодий интеграциянинг энг оддий шакли бўлиб, унинг дорасида савдо чеклашлари бекор қилинади
Умумий бозор	бунда унинг қатнашчилари ўзаро эркин савдони амалга ошириш ва ягона ташқи савдо сиёсати ўтказиш билан бирга капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати таъминланади
Божхона иттифоқи	миллий валюталарнинг ўзаро алмашинуви ва ҳисоб-китобда ягона пул бирлигининг амал қилиши
Тўлов иттифоқи	жаҳон мамлакатлари ўзаро иқтисодий алоқаларининг чуқурлаштириш ва барқарор ривожланиши ҳамда миллий хўжаликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти асосида улар хўжалик алоқаларининг бирлашиш жараёни
Эркин савдо худудлари	ягона ташқи савдо таърифлари ўрнатишни ва учунчи мамлакатга нисбатан ягона ташқи савдо сиёсати юритишини тақозо қилади

Мурод Мақсудович Паязов

**ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШДА  
ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
ҚЎЛЛАШГА ОИД ТАВСИЯНОМА**

Мухаррир  
Ахмадали Ғофуров

Мусахҳих  
Умиджон Турсунов

Бадий муҳаррир  
Зиёдахон Мақсудова

Компьютерда саҳифаловчи  
Зумрадхон Мақсудова

Босишга 2016 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32  
Босма табағи 2,5. Шартли босма табағи 4,5  
Гарнитура “Bookman Cyr+Uzb”. Газета қоғоз.  
Адади 100 нусха. Буюртма № 11



